

Р.РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты

Муқаддас бурч

Барчамиз кечагина энг улуғ, энг азиз байрамимизни кенг нишонладик. Ана шундай файзли кунларда ҳар гал қалбимизни ўзгача бир ҳаяжон ва ҳис чуқаб олади. Бейхитёр ўтмишимизга назар соламиз. Бугунги фаровон ҳаётимизга эришиш йўлида қилинган салбий-ҳаракатлар ҳақида ўйлаймиз. Инсон табиати шундай: бирор нарсага қийинчилик билан эришсагина, қадрига кўпроқ етади. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликни жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш арифасида турган, миллий қадриятлари топталган бир вазиятда қўлга киритганимизни яхши англайди.

Истиқлол даврида мамлакатимизда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди, инсонлар онги, дунёқароши тубдан ўзгарди. Жамиятни янгилаш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Энг асосийси, мустақиллик йилларида мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва тотувлик таъминланди.

Ўзбекистон ўзининг эркинлиги ва миллий давлатчилигига тинч йўл билан эришди. Бу ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк воқелик сифатида эътироф этилди. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон номи жаҳон тарихига муҳрланди ва мамлакат тараққиётининг янги демократик даври бошланди.

Маълумки, ҳар қандай мустақил мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этиш жараёнида ўзига хос андозаларни ишлаб чиқишга интилади. Шунингдек, бошқа мамлакатлар тараққиёти жараёнида тўплаган ва ўз шароитига мос хеладиган илғор тажрибалардан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Сир эмас, истиқлолга эришган дастлабки йилларимиздаёқ давлатимиз раҳбарияти томонидан республикамиз тараққиётини таъминлай оладиган аниқ дастур тақдим қилинди.

Ушбу дастурнинг нақадар пухта ва узокни кўзлай олганлигини бугун ҳаётнинг ўзи исбот қилмоқда. Чунки жаҳон миқёсида давом этаётган иқтисодий инқироз даврида ҳам мамлакатимиз собитқадамлик билан ривож топмоқда.

Муқтарам Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида инқироз даврида қандай чора-тадбирлар кўриш зарурлиги билан бир қаторда, инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. Ушбу дастур бўйича амалга оширилаётган аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фақат жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиб қолмай, 2009 йилнинг 1 ярим йиллигида иқтисодийётни барқарор ҳамда юқори суръатларда ўсишини ҳам таъминлади. Масалан, ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга ўсди. Инфляция 3,6 фоизни ташкил этиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари 25,9 фоизга кўпайди. Жаҳонда молиявий иқтисодий инқироз авж олган бир даврда, республикамизда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 32,7 фоизга, шу

жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 бараварга ўсиши таъминланди. Ишлаб чиқариш инвестицияларига жами инвестициялар ҳажмининг 71,7 фоизи йўналтирилди. Қурилиш ишлари ҳажми 32,5 фоизга ўсганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Бундан ташқари республикамизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг янада ривожланганлиги туфайли 534,6 миңга янги иш ўрни (2008 йилнинг шу даврига нисбатан 143,7 фоиз) шу жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 51,7 миңга касаначилик иш ўрни ташкил этилганлиги қувонарли ҳолдир. Республикаимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан халқаро стандартлар талабларига жавоб бера оладиган кенг йўللар қуриш, йўللарни қайта таъмирлаш, модернизация қилиш, темир йўللар соҳасини ривожлантириш учун 2009-2013 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар қабул қилиниб, самарали тарзда амалга оширилаётганлиги республикамизнинг ривожланиш томон собитқадамлик билан бораётганини кўрсатади.

Республикамизда эрицилаётган мувофакиятларнинг барчаси мустақиллигимиз туфайли эканини чуқур англаймиз ва ҳис қиламиз. Бугун ҳаммамиз эркинлик ҳавосидан нафас олмақдамиз. Фуқароларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдек эзгу ишлар асосий мақсад қилиб олинган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, истиқлол берган неъматлардир. Кези келганда айтиш жоизки, уни сақлаб қолмоқ, турли ёвуз кучлар хуружидан асраб, фаровонлик сари интилиш ҳаммамизга янада юксак масъулият юклайди. Шунингдек, бугунги дорилармон кунларнинг қадрига етмоғимиз, уни асраб-авайлашимиз ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.